



## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Малака ошириш институти профессори  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17578349>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-noyabr 2025 yil  
Ma'qullandi: 08-noyabr 2025 yil  
Nashr qilindi: 11-noyabr 2025 yil

### KEYWORDS

хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ички ишлар органлари, хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкорлик, хуқуқий асос, такомиллаштириш.

### ABSTRACT

Мақолада хуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари хусусида фикр юритилганида, дастлаб, кўз ўнгимизда ноёб ва ўзига хос институт бўлган – маҳалла, бошқача айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намоён бўлади. Хусусан, хуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Г. Маликова маҳалла – фуқаролик жамиятининг институти эканлигини таъкидлаб, унинг масъулиятини ошириш лозимлигини қайд этади<sup>1</sup>. Маҳалла асрлар оша келаётган миллий қадриятлар маскани, шу билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органларига яқиндан кўмаклашаётган, илғор ташаббусларни рўёбга чиқараётган фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир<sup>2</sup>. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органи бўлмиш маҳалла институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини

<sup>1</sup> Маликова Г. Маҳалла институти ривожланишининг тарихий-хуқуқий масалалари. – Т., 2017. – Б.132.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда маҳалла институтининг шаклланиши / Маҳалла кўзгуси. – 2018. – №1. – Б. 11.

кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда<sup>3</sup>.

Юртимизда мустақилликнинг илк даврларидан то бугунга қадар маҳалла институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва уларни давлат органлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасидаги салмоқли чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг ишончли институтига айлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Авваллари давлатга тегишли ўттизга яқин ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилди<sup>4</sup>.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган маҳаллани ўрганиш, унинг илмий асосларини таҳлил қилиш ва фаолият йўналишларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, мутахассис олимларимиз томонидан ҳам мазкур институтнинг у ёки бу жиҳатларини таҳлил этиш ва такомиллаштириш борасида салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилди деб айтишимиз мумкин<sup>5</sup>. Амалга оширилган салмоқли тадқиқот ишлари натижасида яратилган илмий янгилик ва хулосалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлмиш маҳалла институтининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш жараёнларига самарали татбиқ этилмоқда. Хусусан, мазкур амалга оширилган тадқиқот ишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг турли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид фикрлар билдирилган.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010.12 ноябрь. –Тошкент: «Ўзбекистон». – 2010. – Б. 23.

<sup>4</sup> Саидов А.Х. Ҳаракатлар стратегияси – мамлакатни ривожлантиришнинг тубдан янги босқичи // Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари. А.Саидов, А.Бурханов, Ғ.Мирзо – Т., «Baktria press», – 2018. – Б. 10.

<sup>5</sup> Жалилов Ш. Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи. – Т., Ворис нашриёти, – 2007. – 160 б.; Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т., Akademiya, 2013. – 333 б.; Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар): Юрид. фан. номз.... дис. – Т., 2004. – 183 б.; Маликова Г.Р. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари. юрид.фан.докт....дисс. – Т., 2009. – 247 б.; Олламов Я. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият тизими (назарий-ҳуқуқий муаммолар): Юрид. фан. номз....дис. – Т., ТДЮИ, 2001. – 151 б.; Рўзиев З. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил) юрид.фан.докт....автореф. – Т., 2016. – 96 б.; Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: юрид.фан.номз.дисс. – Т., 2002. – 169 б. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. – Т., – 2002. – 194 б.; Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республике Узбекистан. дис.док. юрид. наук. – Т., – 2004. – 318 с; Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. –Т., Адолат, – 2013. – 544 б; Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолари: юрид. фан. докт....дисс. –Т., 1995. – 278 б.; Фуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамияти асоси. – Т., Адолат, 2003. – 194 б.; Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи (1991-2001): автореф...тарих...фан ...номз...дис. –Т., ЎзМУ, 2002. – 26 б.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда жами 9452<sup>6</sup> та фуқаролар йиғинлари фаолият олиб бормоқда ва уларнинг фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида эркин фаолияти учун тегишли қонунчилик асослари яратилган. Мазкур ҳолат эса, ўз ўрнида уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига замин яратади. Хусусан, ушбу қонунчилик асослари сифатида аввало, 1992-йилда қабул қилинган асосий қонунимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳалла институтига оид нормалар акс этганлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин. Хусусан, ушбу Конституциянинг 105-моддасида, «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни (оқсоқолни) сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади»<sup>7</sup> деб таъкидланган эди. Мазкур қайд этилган норма хусусида ҳам илмий жамоатчиликнинг ўзига хос қарашлари мавжуддир. Масалан, айрим олимлар<sup>8</sup> мазкур нормани ҳақиқий ўзбекона кадриятни акс эттирадиган норма деб ҳисобласалар, бошқа бирлари<sup>9</sup> асосий қонунда маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми янада кенгроқ ёритилиши лозимлигини таъкидлайдилар, бошқа бирлари<sup>10</sup> эса, биз учун муҳими, мазкур ноёб институтга конституциявий мақом берилганлигидадир деб қайд этадилар.

Мамлакатимизда 2023 йилнинг 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>11</sup>нинг 127-модда-сида «Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли. Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – № 1. 4-модда; – 1994. – № 1. 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – № 3-4. 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. – № 4. 162-модда; – 2008. – № 12. 637-модда; – 2011. – № 4. 100-модда, – № 12/1. 343-модда; – 2014. – № 4. 85-модда; – 2017. – № 4. 135-модда, – № 5. 201-модда.

<sup>8</sup> *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., Шарқ. – 2002. – Б. 45-49.

<sup>9</sup> *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т., – 2001. – Б. 366.

<sup>10</sup> *Якубов Ш.У.* Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.76.

<sup>11</sup> 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари қонун билан белгиланади» деб қайд этилди.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид норманинг бош қомусимизда қайд этилиши албатта диққатга сазовор масала. Лекин, мазкур норма Конституциямизнинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» номли XXI бобида эмас, балки, «Жамият ва шахс» номли учинчи бўлимида алоҳида боб шаклида ёки «Жамоат бирлашмалари» номли XIII бобида акс эттирилганлигида мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Сабаби, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти мамлакатимиздаги энг катта фуқаролик жамияти институтларидан биридир.

Шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»<sup>12</sup>ги Қонунининг 3-моддасида ҳам «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир» деб, қонуннинг 8-моддаси 2-қисмида эса, «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли» деб қайд этилган.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда маҳалла институти фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қатор қонунлар мавжуд. Буларга, 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»<sup>13</sup>ги, 2004 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»<sup>14</sup>ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<sup>15</sup> Қонунларини ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларини қайд этишимиз мумкин.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни таҳририда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2013. – № 4. 96-модда; – 2016. – № 4. 125-модда.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни таҳририда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2013. – № 4. 96-модда; – 2016. – № 4. 125-модда.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – № 17. 220-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2013. – № 4. 97-модда.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қонун ҳужжатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини белгилаб бериш билан бирга уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини ҳам очиб берган деб айтишимиз мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»<sup>16</sup>ги Қонунининг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тартиби белгиланган, яъни, «давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади»<sup>17</sup> деб, қайд этилган. Мазкур нормани давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлигининг асосий қоидаларини мустақкамловчи норма сифатида баҳолаш мумкин. Унда биринчидан, давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши таъкидланган бўлса, иккинчидан, давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни амалга оширишда кўмаклашуви ҳам мустақкамланган.

Шунингдек, ушбу қонунининг «Фуқаролар йиғинининг ваколатлари» деб номланган 11-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошисида, «ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисobotларини белгиланган тартибда эшитади» деб, йигирма еттинчи хатбошисида, «фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд бундай тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этади» деб қайд этилган.

Шу билан бирга мазкур қонуннинг 13-моддаси «Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари» деб номланган бўлиб, унинг бир қанча бандларида фуқаролар йиғинининг кенгашининг давлат органларига кўмаклашиш борасидаги вазифалари белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, фуқаролар йиғинининг кенгаши мазкур модданинг 3-қисм бешинчи хатбошисига кўра, «оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни, ... ўтказишда, ... давлат органларига кўмаклашади» деб, саккизинчи хатбошисида «ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади» белгиланган. Шу билан бирга, ушбу модданинг 3-қисмида фуқаролар йиғини кенгашининг бевосита ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ваколатлари ва ҳамкорлигига оид нормаларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, олтинчи хатбошисида, «хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради»; еттинчи хатбошисида, «рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2013. – № 4. 96-модда; – 2016. – № 4. 125-модда.

этиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади»; ўн тўртинчи хатбошисида, «тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади»; йигирма учинчи хатбошисида, «озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-меҳнат реабилитацияси ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади»<sup>18</sup>. Мазкур қайд этилган нормаларни ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири сифатида қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»<sup>19</sup>ги Қонунининг 11 ва 13-моддаларида баён этилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қайд этилган нормаларни янада бойитган ҳолда қонунга янги 13<sup>1</sup>-модда. «Фуқаролар йиғинининг ва фуқаролар йиғини кенгашининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ваколатлари» тариқасида киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан кейинги бугунги кун амалиётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Ундаги қоидаларни бойитиш эса, ўз ўрнида биз тадқиқ этаётган ҳамкорлик масалаларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Хусусан, таклиф этилаётган ушбу моддада қуйидаги қоидалар ўз аксини топишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

«Фуқаролар йиғини:

– ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитади;

– фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд бундай тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

– тегишли ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда;

– маъмурий ҳудудларга (фуқаролар йиғинлари ҳудудларига) фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олинишини ташкил этишда;

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. 29 апрель. – № 17. 220-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2013. – № 4. 97-модда.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

- маъмурий ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини ташкил этишда;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-реабилитация ва ижтимоий мослашувини ташкил этишда;
- муқаддам судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади».

Шунингдек, бошқа бир қатор қонунларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»<sup>20</sup>ги Қонунида ҳам ҳамкорликка оид муҳим қоидалар акс этган бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти, хусусан, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан

ҳамкорлигининг муҳим ҳуқуқий асослари акс этган. Масалан, ушбу қонуннинг 4-моддасида ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларини белгилайдиган қуйидаги мазмундаги норма мавжуд: «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда

ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар». Шу билан бирга, ушбу қонуннинг 25<sup>2</sup>-моддаси «Халқ депутатлари Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш» деб номланиб, унда ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорликка гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин».

Шу ўринда қайд этиш мумкинки, мамлакатимизда амалда бўлган 100 дан ортиқ қонунларда давлат органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг у ёки бу жиҳатларига оид нормалар мавжуд<sup>21</sup>. Хусусан, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид нисбатан кенг ҳуқуқий асосни Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>22</sup>ги қонунида кўришимиз мумкин. Ушбу қонуннинг 21-моддаси бевосита «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>21</sup> Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.78.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки» номланиб, модданинг биринчи қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу йўналишдаги ваколатларига бағишланди, яъни, унга асосан:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

- рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чоратадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

- ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

- яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин, деб белгиланган.

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев раҳбарликларида амалга оширилаётган «Янги Ўзбекистон» ислоҳотлари давридаги қонун ижодкорлиги амалиётининг таҳлили ҳам шуни кўрсатмоқдаки, қабул қилинаётган ҳар бир қонунларда ва мазкур қонунлар тартибга солаётган муносабатларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, уларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги алоҳида моддаларда қайд этиб борилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»<sup>23</sup>ги Қонунининг 14-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»<sup>24</sup>ги Қонунининг 4-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2017. – № 1. 1-модда.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 14. 214-модда.

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»<sup>25</sup>ги Қонунининг 17-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»<sup>26</sup>ги Қонунининг 12-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»<sup>27</sup>ги Қонунининг 13-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мазкур соҳалардаги ваколатлари кўрсатилган.

Айтишимиз мумкинки, мамлакатимизнинг яна кўплаб жорий қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари билан ҳамкорлигига оид кенг тармоқли ҳуқуқий механизмлар шаклланган. Шу асосда айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсири жуда катта ва уларнинг ваколат ва функциялари жуда ҳам кенгдир. Ушбу жамият ижтимоий ҳаётида катта таъсирга эга, ваколат ва функциялари жуда кенг бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлари профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ўзаро ҳамкорлигини янги поғонага олиб чиқиш, унинг ҳуқуқий асосларини янада бойитган ҳолда мазкур ҳамкорлик масалаларини янада такомиллаштиришни бугунги замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Яъни, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар субъектларининг тинч ва осуда ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб тарзда ҳимоя қилинишига, жамиятда ўрнатилган ҳуқуқ-атвор ва қонун нормаларига белгиланган тарзда оғишмай амал қилинишини таъминлашда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлари профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлари профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши ва ушбу жараёнларда маҳалланинг куч ҳамда имкониятларига таяниши ўзининг ижобий натижасини беради. Сабаби, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқарувнинг қўйи бўғини бўлиб, халққа энг яқин фуқаролик жамияти институтидир.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда бугунги кунда ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлари профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари шаклланган. Лекин, уларни амалга татбиқ этишда баъзи камчиликларга йўл қўйилмоқда. Назаримизда, бу ўринда асосий эътиборни амалдаги қонунлар ижросини таъминлашга, бошқача айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган вазифаларни белгиланган тартибда самарали бажаришга асосий эътиборни қаратиш ва хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда уларнинг миллий минталитетимизга мос келувчи тажрибаларини миллий тизимимизга жорий этиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 35. 915-модда.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 36. 944-модда.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 37. 976-модда.

профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштиришга оид ислохотларни мунтазам амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқдир;

